Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 16 апрель, № 77 (7857) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 15 апрель куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудга бундан олдинги ташрифи 2019 йилнинг январь ва июль ойларига тўғри келган эди.

Ташрифлар чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганди. Шу асосда дастурлар ва уларни амалга ошириш "Йўл харита"лари тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўтган йил пандемия айрим лойиҳаларни амалга ошириш, қурилиш ишлари суръатига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёзлар туфайли белгиланган режа ва дастурлар ўз вақтида бажарилди.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда қиймати 580,3 миллиард сўмлик 100 та лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлса, амалда 832,1 миллиард сўмлик 248 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 800 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Жумладан, саноатда 55 та, хизматлар соҳасида 114 та, қишлоқ хўжалигида 79 та лойиҳа татбиқ этилди.

Президентимизнинг вилоятдаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида 1967 йилда қурилган ушбу "ҳаво бандаргоҳи"ни модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Лойиҳа доирасида янги терминал, учиш-қўниш йўлаги, турарғоҳ ва бошқа объектлар барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунда узунлиги 3 минг 105 ва эни 60 метр бўлган учиш-қўниш йўлаги қурилиши тугалланиб, ёритиш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатилмоқда.

Президент дастлаб халқаро авиация стандартлари асосида қурилган учиш-қўниш йўлагини кўздан кечирди.

Янги терминал замонавий дизайнга, бир соатда 1000 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 400 нафар эди.

— Одамларга қулайлик яратиш асосий мақсад бўлиши керак. Бунинг учун "ақлли технологиялар"ни қўллаш, хизматларни арзон, сифатли, тезкор қилиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Турли ҳажмдаги самолётлар учун 24 та турарғоҳ барпо этилмоқда. Шундан учтаси "ҳаво кемалари"га музлашга қарши ишлов бериш учун мўлжалланган бўлади.

Аэропортда карго хизмати ҳам йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юк ташиш рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Карго барқарор ва манфаатли бўлиши учун доимий юк керак. Бунинг учун самолётларга хизмат кўрсатиш, юклари ортиш ва етказиб беришни арзон ва тез йўлга қўйиб, бошқа авиакомпанияларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари, вилоятда экспортбоп мева-сабзавотларни кўпайтириб, уларни шу карго орқали жаҳон бозорига чиқариш мумкин, — деди Президент.

Янги аэропортни жорий йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан сўнг у "очиқ осмон" режимида тўлиқ ишлай бошлайди. 1000 киши иш билан таъминланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

— Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, Ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмининг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келса ҳам, қулай шароит бўлиши зарур, — деган эди Шавкат Мирзиёев ўшанда.

Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент ҳузурида бир неча бор тақдимот қилиниб, такомиллаштирилди. Жаҳон тажрибаси ҳам ўрганилди.

2021 йил муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳнинг қурилиши бошланди. Шу муносабат билан бу ерда нуронийлар ва зиёлилар билан учрашув бўлди.

Шавкат Мирзиёев мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан муборакбод этди.

— Рамазон ойи — эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилишни шу ойда бошлаётганимиз ҳам хайрли, хосиятли бўлади, қалбимизга таскин беради. Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад — исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч, — деди Президент.

Ўтган йили пандемия туфайли Рамазон ойида диний амалларни уйда бажаришга тўғри келгани ёдга олинди. Бу йил эса масжидларимиз очиқ, мўмин-мусулмонлар карантин қоидаларига қатъий амал қилиб, ибодатларини адо этмоқда. Кексалар, ногирон ва ёрдамга муҳтож инсонлар, кам таъминланган оилаларга беғараз кўмак кўрсатилмоқда. Айниқса, бутун дунё оғир инқирозни бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб вазиятда бу жуда муҳимлиги таъкидланди.

— Муқаддас динимиз бизни инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикни қадрлаб яшашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Мана шундай тушунча ва қараш билан ҳар бир оила ва маҳаллада, бутун жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эриша оламиз. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлиқ бўлса, қолган ҳамма нарса бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Иш ўринларини кўпайтириб, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида сўз юритилди.

— Тўрт йиллик изланиш, янгиланиш ва синовлардан ўтиб, катта тажриба орттирдик. Халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Рамазон ойининг олижаноб ғоялари, муқаддас амаллари ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда мустаҳкам замин бўлади, — деди Президент.

Қуръон оятларидан ўқилиб, дуо қилинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Бу ерда катта масжид, тўртта симметрик минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда хиёбон бўлади. Кўп сонли зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш учун 7 та меҳмонхона, 3 та автотураргоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Шунингдек, ошхоналар, ҳунармандчилик буюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кушхона қурилиши белгиланган.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилган эди. Қурилажак янги мажмуа улар билан мутаносибликда улкан маскан ҳосил қилади. Энди бу ерда зиёратчилар учун ҳамма шароитлар бўлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Марҳумнинг ҳаққига Қуръон тиловат этилди.

Ўтганларни яхши амаллари билан эслаш, руҳларини шод этиш муқаддас қадриятларимиздандир. Уламолар билан суҳбатда Ислом Каримовнинг ана шундай инсоний фазилатлари ёдга олинди.

— Ислом Абдуғаниевич камтар инсон эдилар. Бу мақбара ҳам ўзларига муносиб бўлган. Бу ерга меҳр берганмиз. Биринчи Президентимиз бошлаган ишларни давом эттиряпмиз. Руҳлари шод бўлсин, илоҳим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аллоҳдан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик тилаб дуо қилинди.

Самарқанд — қадимий шаҳар. Унинг тарихий қиёфасини сақлаш муҳим бўлганидек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун шароит яратиш ҳам керак. Шу боис шаҳар чеккасидаги Қорасув мавзесида кўп қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Ҳозир шаҳарнинг учта ҳудудида шундай аҳоли турараржойлари ташкил этиш белгиланган бўлиб, Қорасув уларнинг дастлабкисидир. Шу вақтга қадар Самарқанд шаҳрида 12 қаватдан юқори бинолар қурилмаган. 2018 йилдан мазкур массивда замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида кўп қаватли уйлар қурилишига киришилганди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда вилоятга ташрифи чоғида бу ердаги дастлабки уйларни кўздан кечириб, янги лойиҳалар тақдимоти билан танишган эди. Ўтган даврда бу лойиҳалар ҳаётга кўчди. "Agromir Buildings" масъулияти чекланган жамияти томонидан мавзеда 16, 15, 14 ва 12 қаватли жами 47 та турараржой қурилди. Уларда 3 минг 588 та хонадон бор.

Турараржойларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлиб, бу хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Биноларга видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган. Уйлар эгаларига тайёр ҳолда топширилмоқда.

Умуман, Қорасув мавзесида қурилган кўп қаватли уйлар сони бугунга келиб 116 тага етди. Шунингдек, бу ерда 1 минг 600 ўринли мактаб, 120 ўринли болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо дўконлари, ўйин ва спорт майдончалари барпо этилган.

Жорий йилда яна 7 та 16 қаватли, 2 та 25 қаватли уйлар қурилмоқда.

Мутахассислар кўп қаватли турараржойлар қурилиши бўйича концепция ишлаб чиққан бўлиб, бунда сейсмик устуворлик юқори ҳисобланади. Қорасув мавзеси 8 балли сейсмик ҳудудга киради. Янги биноларни қуришда бу каби техник талаблар ҳисобга олинган ҳолда, 9 балли зилзилага чидамли қилиб бунёд этиляпти.

Давлатимиз раҳбари уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларининг сифатига алоҳида эътибор қаратди. Қурувчи ташкилотнинг сифат учун масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтирадиган механизм ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

— Ривожланган давлатлардагидек уйлар қуришни ўзлаштирдик, энди хизмат кўрсатишни ҳам шунга яраша яхшилаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Чет эл тажрибаси асосида сервис турларини кенгайтириш, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус пункт ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу ерда Самарқанд шаҳри Бош режаси ва шаҳар ҳудудини кенгайтириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Хусусан, Ширин маҳалласида 90 минг аҳоли учун янги шаҳарча лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу ерда 1 минг 788 та якка тартибдаги уй-жой бор. Янги лойиҳа бўйича турли ижтимоий соҳа объектлари, замонавий кўп қаватли уйлар бунёд этилиб, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгаради.

Шунингдек, шаҳарнинг темир йўл орти ҳудудида жойлашган, етти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган "Меҳнат", "Матонат" ва "Майсазор" маҳалла фуқаролар йиғинларида кўп қаватли турараржойлар, дам олиш масканлари, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши лойиҳалари ҳам ўзига хос архитектура талаблари, янгича дизайн ва қулайликларни ўзида жамлаган. Бу ишларнинг амалга ошиши билан ҳудудда 13 мингдан ортиқ аҳоли учун 208 та кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа объектлар қад ростлайди. Мақсад аҳоли учун қулайлик яратиш, инфратузилмасини яхшилаш ва Самарқандни миллионли шаҳарга айлантиришдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида барпо этилаётган туризм маркази қурилишини кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда қурилмоқда. Лойиҳага кўра, бу ерда 10 та иншоот, жумладан, конгресс холл, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари бўлади.

Айни пайтда конгресс холл, "Абадий шаҳар" карвон саройи ва 8 та меҳмонхона бунёд этилмоқда. Меҳмонхоналарнинг иккитаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади.

Маълумки, Самарқандда меҳмонхоналар кўп бўлишига қарамай, сайёҳлар оқими кўпайганда ўринлар етишмай қолади. Масалан, 2019 йилда шаҳардаги барча отеллар банд бўлган. Давлатимиз томонидан туризм ривожига катта имкониятлар яратилаётгани, 90 га яқин мамлакат фуқароларига визасиз режим жорий қилингани сайёҳларни янада кўпроқ жалб этмоқда.

Қурилаётган марказ туристик хабга айланади. Бу ерда халқаро анжуманлар ўтказиш учун ҳам кенг шароит бўлади. Уни 2022 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимизга мазкур янги сайёҳлик маркази имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқанднинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари тақдимот қилинди.

Самарқанд шаҳрида илк бор гастрономик кўча, Самарқанд тумани "Конигил" маҳалла фуқаролар йиғинида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғи ташкил этилди. Бундай масканлар сайёҳларнинг вилоятда қолиш вақтини узайтириш билан бирга, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига даромад манбаи яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур туристик марказни шаҳар билан боғлайдиган йўлўтказгични бориб кўрди, Уста Умар Жўрақулов ва Афросиёб кўчаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги Фармонига асосан ташкил этилган мазкур иқтисодий зона мавжуд хом ашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, иш ўринлари очишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда "Ургут" эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 киши меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, енгил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон — Россия: ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси делегацияси Россия Федерациясида расмий ташриф билан бўлиб турибди. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация МДҲ ПА Кенгашининг навбатдаги мажлисида ва МДҲ ПАнинг эллик иккинчи ялпи мажлисида қатнашиш учун Санкт-Петербург шаҳрига келди.

Ҳамкорлик

Ташриф доирасида Олий Мажлис Сенати Раисининг МДҲ ПА аъзо давлатлари парламентлари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

Жумладан, парламентнинг юқори палатаси раҳбари Т. Норбоеванинг Молдова Республикаси Парламенти Раиси З. Гречаный билан учрашувида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, мамлакатнинг асосий тараққиёт йўналишлари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Парламентлараро ҳамкорлик, гендер тенглик, ёшлар сиёсати масалалари, пандемия шароитида кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди.

2

Қонунчилик палатаси Кенгашида

ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСНИ ЎЗ ҚЎЛИГА ОЛДИ

Дунёда коронавирус пандемияси хавфининг тобора кучайиб бораётгани юқумли касалликлар, жумладан, коронавирус инфекциясига қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни ҳамда санитария-эпидемиология хизматининг институционал асослари ва ташкилий тузилмасини ҳозирги мураккаб шароит ҳамда орттирилган тажрибадан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Президентимизнинг 2020 йил 25 июлдаги Фармонига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ташкил этилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг "Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган эди.

2

Бедор ўй



Онага эҳтиром кўрсатиш, аёлни эъзозлаш — халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Ана шу эзгу анъана бугунги кунда янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, бу ёруғ дунёни қуёшсиз, еру осмонсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётимизни ҳам мўътабар оналаримиз, меҳрибон аёлларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Улар биз учун, аввало, муқаддас она, азиз Ватан, файзли оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаидир.

Тангри таоло аёлни мўътабар қилиб қўйди. Қуръони каримдаги энг катта суралардан бири "Нисо", яъни "Аёллар" деб номланиб, улар билан боғлиқ ҳукмлар баён қилингани ҳам шундан далолат беради. Муборак ҳадиси шарифда эса "Жаннат оналар оёғи остидадир", дея марҳамат қилинган.

Бу бежиз эмас. Чунки аёл оиласининг файзу фароғати учун бутун борлиғини бағишлайди. Оналик бахтига эришган аёлнинг сабру матонати, хайру ҳимматини таърифлашга сўз ожиз. У боласига меҳр беради, йиғласа кўкрак тутади, ҳатто ярим тунда ҳам унинг кўзлари юмуқ бўлса-да, қалби уйғоқ бўлади, бешик тебратиб, алла айтади. Бешик баъзан унга болиш бўлади...

Шу ўринда она муҳаббати ҳақидаги таъсирли афсона ёдга тушади. Эмишки, ошиқ йигитга суюклиси: "Менинг васлимга эришишни истасанг, онангни ўлдириб, юрагини келтирасан", дея шарт қўйибди. Йигит унинг айтганини қилиб, онасининг юрагини олтин товокда олиб келаётганида қутилмагандa қоқилиб йиқилибди. Ана шунда ерга тушган юрак тилга кирибди: "Ёмон йиқилмадингми, болам?.."

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 16 апрель

САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз иқтисодий зона ҳудудидаги “Kamalak Tekstil” корхонаси фаолияти билан танишди. Ургут туманининг Мерганча массивида жойлашган ушбу ширкатда гилам ва тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва суньий чим ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонага Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция ва Германия давлатларининг замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлари ўрнатилган. 328 та иш ўрни яратилган. Ўтган йили бу ерда тайёрланган 170 миллиард сўмлик маҳсулотнинг 59 фоизи ички бозорга, 41 фоизи хорижга сотилган. Жорий йилда 7,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент “Сам электро сервис” масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Корхона “Идеал” бренди остида йилига 260 минг дона электр духовка, 150 минг дона газ плиталари ва улар учун қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Унга Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилган.

2020 йилда умумий қиймати 58 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг 32 фоизи экспорт қилинган. Жорий йилда 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Маҳсулот турларини кенгайтириш, замонавий электр техникалари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасида айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида яна 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, қиймати 144 миллион долларлик 21 та қўшимча лойиҳа шакллантирилган, 206 миллион долларлик 33 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий зона имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу ерда самарқандлик нуронийлар билан мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги “Sag Agro” масъулияти чекланган жамиятининг “In vitro” лабораториясини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш мақсадида лабораториялар ташкил этилмоқда. “Sag Agro” масъулияти чекланган жамиятининг лабораторияси ана шундай замонавий мажмуалардан бири.

Умумий қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа 2019 йил ишга туширилган. Натижада илгари хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу усул икки жиҳатдан жуда муҳим. Биринчиси, четдан келтирилаётган кўчатлардаги турли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олди олинади. Иккинчиси, маҳаллий лабораторияда етиштирилган кўчатлар хорижникига нисбатан бир неча баробар арзон бўлади. Масалан, шу пайтгача чет элдан олиб келинган ёнғоқ кўчатининг бир донаси 5 доллардан 20 долларгача бўлган бўлса, бу ерда етиштирилаётгани 3-3,5 долларни ташкил этади.

Агрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган бўлиб, тупроқ, сув ва барг намуналарини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунинг самарадорлиги шундаки, боғдорчилик хўжаликларининг тупроқ шароити ўрганилиб, унга мос кўчатлар тавсия қилинади. Натижада кўчатлар хатосиз униб, мўл ҳосил етиштирилади.

“In vitro” учун 24 гектар ер ажратилган бўлиб, 2 гектарда замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар майдонда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мевали дарахтлар кўчати олиб келиниб, парвариш қилинади.

Лабораториянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион донагача пайвандтаг ҳамда пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбоп меваларнинг касалликдан холи, иқлим шароитимизга мос кўчатлари етиштирилмоқда.

— Бу қўшилган қиймат яратишда инқилобий усул. Биз ўттиз йил шунга интилдик. Илмий ёндашув билан самарадорликни ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 2 миллион дона турли мевали ва манзарали кўчат етиштириш режалаштирилган. Йил якунига қадар, шунингдек, 500 минг дона ёнғоқ ва бодом кўчатларининг истиқболли мева пайвандтаглари қилинади.

Лаборатория 2024 йилда тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобига бу ерда йилига 20 миллион дона кўчат етиштириш йўлга қўйилади. 2023 йилдан кўчатлар экспортга чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу лаборатория ва иссиқхонада 140 та янги иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ёш мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Келажагимиз — сизларнинг илмингиз. Ҳозирги давр талабини кўраяпсизлар. Мен ёшлар форумида айтганимдек, илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик. Шундай экан, кўпроқ ўқинглар. Бугун қайси ёш ўзини қийнаб, билим олиб, таж-риба орттирса, келажакда албатта натижаси бўлади, — деди Президент.

Шу ерда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистонда пистанинг янги серҳосил 12 нави яратилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўрмон хўжалиги тизимида павловния етиштириш ҳажми кенгайтирилиб, ундан мамлакатимизда биринчи марта мебель ишлаб чиқарилди. Павловниянинг лаванда, годжи каби маҳаллий иқлим шароитига мос 8 та турини етиштириш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари павловния дарахти етиштиришни кўпайтириш, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, зарур маблағ ажратиш бўйича топшириқ берди.

Ўрмон хўжалиги ерларини келгусида узоқ муддатли ижарага бериш орқали маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон — Россия:

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

1

— Молдова ва Ўзбекистонни асрлар давомида дўстона муносабатлар боғлаб келган, — деб таъкидлади парламент юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев очиқ сиёсат, барча йўналишда яхши муносабатлар ўрнатиш тарафдори. Ва бугун биз сизлар билан иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ва парламент фаолияти доирасида ҳамкорлик қилмоқчимиз. Икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари икки мамлакат парламентларининг дўстлик гуруҳини тузиш, минтақалараро даражада алоқалар ўрнатишни таклиф қилди.

Шу куни Сенат Раиси Арманистон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси А. Мирзоян билан учрашди.

Томонлар савдо-иқтисодий, маданият, таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

— Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар чуқур тарихий илдизларга эга. Бу Ўзбекистонда қадрланади. Айниқса, сўнгги уч йилда муносабатларимиз ҳар томонлама жадал ривожланмоқда, — деб таъкидлади Сенат Раиси Т. Норбоева ўзаро мулоқотда. — Биз Арманистонни асосий стратегик ҳамкорлардан бири сифатида қабул қиламиз. Бироқ икки томонлама муносабатларни кенгайтириш учун барча салоҳият ва имкониятларни рўёбга чиқариш зарур.

Учрашув чоғида томонлар икки мамлакат парламентларининг фаолият кўрсатаётган дўстлик гуруҳи ишини қайд этди, минтақавий парламентлар доирасида тажриба алмашиш, қонун ижодкорлиги бўйича ихтисослашган қўмиталар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида келишиб олдилар.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шу жумладан, тегишли парламент ва ҳукумат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси С. Гафарова билан учрашди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик, Ўзбекистон — Озарбайжон парламентлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш, шунингдек, ўзаро муносабатларнинг янги истиқболларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон Озарбайжон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият беради. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар чуқур тарихий илдизларга, миллий анъаналар, урф-одатлар, тил, маданият ва динимиз муштараклиги ҳамда яқинлигига асосланади, — деди Т. Норбоева. — Халқаро хусусиятга эга турли тадбирларда икки мамлакат парламентлари аъзоларининг қатнашиши амалиётини давом эттиришни мақсадга мувофиқ, деб биламан.

Парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳлар фаолиятини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон парламенти ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Озарбайжон парламенти ҳузуридаги таҳлилий-ҳуқуқий тузилмалар ўртасида алоқа ўрнатиш, халқаро парламент ташкилотлари доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ТТДҲК) парламент тузилмалари доирасида тажриба алмашиш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир ишларни давом эттириш, икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни амалга оширишга кўмаклашиш тўғрисида келишиб олдилар.

Россия Федерациясига ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоеванинг Қирғизистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси (Торағаси) Т. Мамитов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кўп соҳалардаги икки томонлама алоқалар, жумладан, парламентлараро, савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон — Қирғизистон жамғармасини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

— Савдо-иқтисодий ҳамкорлик устувор йўналиш ҳисобланади, — деди Т. Норбоева. — Сўнгги 4 йилда ўзаро савдо ҳажми 5 баравар ўсди ва 1 млрд. долларга яқинлашди. Шунингдек, парламентлараро ҳамкорликка, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга, сайлов тизимини такомиллаштиришга, чегарадош вилоятлар ўртасида муносабатларни мустаҳкамлашга катта аҳамият берилди. Ўзбекистон икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараолди вилоятлари раҳбарлари кенгаши доирасида фаол ҳамкорлик қилишга тайёр. Бизнинг энг муҳим вазифамиз — барча келишувларнинг энг юқори даражада амалга оширилишини таъминлашдир.

— Биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган масалалар мавжуд, — деди Қирғизистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Мамитов. — Бугун дўстона, яқин қўшничилик муносабатларини тиклаётганимиз қувонарли. Шу сабабли турли таҳдидлар ва хавфлар мавжуд бўлган ҳозирги замонда ижтимоий-иқтисодий, гуманитар, сиёсий муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув давомида томонлар парламент делегациялари ташрифларини амалга оширишга, яқин орада Ўзбекистонда Парламентлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказишга, минтақалараро ҳамкорликни ҳамда Марказий Осиё раҳбар аёллари мулоқоти доирасида гендер ҳамкорликни йўлга қўйишга, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида мунтазам равишда қўшма тадбирлар ўтказишга, умумий қадриятлар ва анъаналарни сақлаб қолиш ва тарғиб қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси М. Ашимбаев билан учрашди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида вакиллик ҳокимият органлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, парламентлараро мулоқот ривожланганлиги қайд этилди.

— Бугун сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги муносабатларимиз дўстлик, ишонч ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади ҳамда “стратегик ҳамкорлик” мақомига эга, — деди Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева. — Биз илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида биргаликдаги тадбирларни мунтазам ўтказиб туришдан, умумий қадриятларимиз ва анъаналаримизни сақлаш ҳамда кенг тарғиб қилишга доир қўшма дастурларни амалга оширишдан манфаатдормиз.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида муваффақиятли ҳамда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик олиб бориш бўйича бой тажриба тўпланганлигини таъкидладилар. 2020 йил якунига кўра икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар яхши даражада, бироқ келажакда биз кўрсаткичларни янада яхшиламоқчимиз, — деди Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси М. Ашимбаев. — Икки томонлама муносабатлар ўзаро қизиқиш уйғотган барча йўналишда ва соҳаларда жадал ривожланмоқда. Шубҳасиз, бунда Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари Ш. Мирзиёев ҳамда Қ. Тоқаевнинг хизматлари улкандир.

Минтақалараро алоқаларни, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия фаолиятининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Томонлар мунтазам равишда қўшма тадбирлар ўтказишдан, парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини билдирдилар.

Учрашувлар давомида Сенат Раиси парламент дипломатияси икки томонлама муносабатлар ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим ташқи сиёсий ресурс сифатида эътироф этилишини таъкидлади.

Шундай қилиб, парламент дипломатияси нафақат ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, балки сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Сенат Раиси МДҲ ПА аъзо давлатлари парламентлари раҳбарларини Ўзбекистонга келишга ва бир қатор халқаро тадбирларда иштирок этишга таклиф қилди.

Халқаро трансчегаравий таҳдид нуқтаи назаридан давлатлараро ҳамкорлик омили муҳим аҳамият касб этади

Олий Мажлис Сенати делегацияси аъзолари Россия Федерациясига ташрифи доирасида “COVID-19 пандемияси шароитида глобал хавфлар ва таҳдидлар. Терроризм ва зўравонликка даъват этувчи экстремизм” мавзуида халқаро парламент конференциясида қатнашдилар.

Тадбирда, шунингдек, МДҲ ПА парламент делегациялари раҳбарлари, ПАСЕ Президенти Хендрик Дамс, ЕХҲТ ПА Терроризмга қарши курашиш махсус қўмитаси Раиси Рейнхольд Лопатка, Ижро этувчи қўмита Раиси — МДҲ Ижро этувчи котиби Сергей Лебедев, БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бош ижро этувчи директори Гада Фатхи Вали, шунингдек, бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Қатнашчилар терроризм ва зўравонликка даъват этувчи экстремизмга қарши курашиш, ушбу жиноятлар қурбони бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини кўриб чиқдилар, террористик таҳдид ва зўравонликка даъват этувчи экстремизмнинг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатларга, COVID-19 пандемияси оқибатлари ва бошқа масалаларга урғу бердилар.

Конференцияда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева COVID-19 пандемияси жаҳон ҳамжамияти учун жиддий хавфга айланганини, барча мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти ва соғлиқни сақлаш тизими издан чиқишига олиб келганини, шунингдек, жамиятнинг энг долзарб муаммоларини очиб берганини таъкидлади.

— Сўнгги йилларда парламентлараро алоқалар ривожланиб бораётгани жуда муҳимдир, бу кўплаб соҳаларда, шу жумладан, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда муаммоларни самарали ҳал этиш имконини беради, — деди Т. Норбоева. — Бу масалада фаолияти нафақат экстремизм ва терроризмга қарши курашиш учун зарур қонунчилик базасини яратишга, балки жамиятда бундай ҳодисаларга муросасизлик муҳитини шакллантириш, уларга жамият эътиборини қаратишнинг превентив механизмларини жорий этиш бўйича кенг қамровли фаолият олиб боришга қаратилган парламентнинг ўрни муҳимдир. Таҳдидларнинг халқаро трансчегаравий хусусиятини ҳисобга олсак, давлатлараро ҳамкорлик омили муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон бу йўналишда ҳамкор мамлакатлар билан биргаликда янада кўпроқ фаолият олиб бориш тарафдори.

Фаолиятни мувофиқлаштириш натижалари таҳлил қилинди

Россия Федерациясига ташриф доирасида делегация аъзоси, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов МДҲ ПА Сиёсий масалалар ва халқаро ҳамкорлик бўйича доимий комиссияси мажлисида иштирок этди.

Унда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикасидан парламент аъзолари иштирок этди.

Мажлисда Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Вакиллар палатаси Халқаро ишлар бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Т. Думбадзе комиссия аъзолари эътиборига Беларусь Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида 2021 йилда раислик қилиши концепциясини тақдим этди.

Тадбирда Тожикистон Республикасининг вакиллари комиссия аъзоларини БМТнинг Терроризмга қарши курашиш бошқармаси томонидан Тожикистон Республикаси Мажлиси Оли билан биргаликда ташкил этилган Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни универсаллаштириш ва самарали татбиқ этишга кўмаклашиш бўйича конференция натижалари тўғрисида ахборот берди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари К. Косачев Парламентлараро Иттифоқ томонидан БМТнинг кўмаги ва шафелигида 2022 йил май ойида Россияда ўтказилиши режалаштирилган Динлараро ва миллатлараро мулоқот бўйича Бутунжаҳон конференциясига тайёргарлик тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, халқаро парламент ташкилотлари (Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси, ЕХҲТ ПА) сессиялари ва МДҲга аъзо давлатлар парламент делегацияларининг ушбу ташкилотлар фаолиятидаги ишларини мувофиқлаштириш натижалари таҳлил қилинди.

Мажлис якунида комиссия аъзолари 2020-2021 йилларда Ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб ўтган сайловларни кузатишда МДҲ ПА кузатувчиларининг иштирок этишлари натижалари тўғрисидаги ахборотни эшитдилар.

2022 йилда МДҲ ПА мажлисини Ўзбекистонда ўтказиш режалаштирилмоқда

Ташриф доирасида Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг мажлисида иштирок этди. Унда Ассамблея фаолиятига оид бир қатор масалалар, шу жумладан, ташкилотнинг 2020 йилдаги фаолияти натижалари кўриб чиқилди.

Иштирокчилар МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2020 йил 6 ноябрдаги ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги қарорлари тўғрисидаги ахборотни эшитдилар. Мазкур ахборот МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев томонидан тақдим этилди.

Шунингдек, Кенгаш аъзолари 2021 йил 27-28 май кунлари ўтказилиши режалаштирилган IX Нева халқаро экологик конгресси ва 2021 йил 13 — 15 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган учинчи Евроосиё аёллар форумига тайёргарлик жараёни қандай бораётганини муҳокама қилдилар. Парламент аъзолари жорий йилнинг январь ойида бўлиб ўтган сайлов кампанияларини кузатиш натижаларини ва бошқа қатор масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Бундан ташқари, Ассамблея ҳузуридаги Иқтисодиёт бўйича эксперт кенгашининг фаолияти, Ҳамдўстликни 2030 йилгача иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича вазифалар кўриб чиқилди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини, аниқроғи, МДҲнинг юбилей саммитини Минскда ўтказиш режалаштирилгани таъкидланди. 2022 йил ноябрда эса МДҲ ПА мажлисини Ўзбекистонда ўтказишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСНИ ЎЗ ҚЎЛИГА ОЛДИ

1

Лекин мутасадди органлар қарийб 10 ой ўтишига қарамай буни қилмаган. Демак, янги тузилма фаол иш бошлаши, аҳоли осойишталигини таъминлаш, айниқса, пандемия шароитида ўрнатилган санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш учун ҳуқуқий асослар яратиб берилмаган.

Соҳада олиб борилган ишларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббусни ўз қўлига олиб **“Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқди.

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилишида мазкур қонун лойиҳасини палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИГА ҚАНДАЙ РИОЯ ЭТМОҚДА?

Кенгаш йиғилишида Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг **“Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси ҳамда Буюк Британиянинг “Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси” билан биргаликда ўтказилган тадбирлар якуни тўғрисида”**ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси аъзолари учун Буюк Британиянинг “Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси” (Global Partners Governance Foundation — GPGF) нодавлат ташкилоти томонидан 2020-2021 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича жами 5 та онлайн семинар ҳамда 2 та халқаро парламент форуми ташкил этилди.

Ушбу халқаро тадбирларда БМТ, Парламентлараро Иттифоқ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсиявий ҳужжатлари, хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги илғор тажрибаси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажаришда ҳамда аёллар, ёшлар ва болалар ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг роли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган.

Парламент комиссиясининг ахбороти Қонунчилик палатаси Кенгаши аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши устидан парламент назоратини кучайтиришга кўмаклашиш юзасидан таклифлар билдирилди.

ШАҲАР ТАРКИБИДА ЯНА БИР ТУМАН ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Йиғилишда, шунингдек, Кенгаш аъзолари Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш масаласини палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритишни кўриб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, Наманган шаҳрига 1926 йилда асос солинган бўлиб, бугунги кунда унинг аҳолиси 640,1 минг нафарни, умумий ер майдони 18 минг гектарни ташкил этади. 2019 йилда Чортоқ ва Наманган туманларидан 57 минг нафар аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлар ҳамда 6,3 минг гектар ер майдонлари қўшилганлиги сабабли ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг шаҳар марказига қатновида муаммолар юзага келаётган эди.

Шунингдек, хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасалари шаҳар марказидан 15 — 20 км. узоқликда жойлашганлиги, саноат корхоналарининг камлиги ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида аҳоли учун ижтимоий ва маиший қулайликлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Наманган шаҳри ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Наманган шаҳар бўйсунувида Янги Наманган туманини ташкил этиш таклифини киритган эди.

Ушбу таклиф халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг ҳамда Наманган вилояти Кенгашининг қарорлари билан маъқулланган.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ, Наманган шаҳрида жойлашган 79 та маҳалладан 24 таси, 70 та мактабгача таълим муассасасидан 40 таси, 85 та умумтаълим мактабидан 21 таси, 6 та оилавий поликлиникадан 2 таси ва 52 та шифохонанинг 12 таси Янги Наманган тумани таркибига ўтказилмоқда.

Янги туман ташкил қилиниши билан саноат ва ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш бўйича ушбу ҳудудда 16 та саноат корхонаси ва 4 та кичик саноат зонаси барпо этилади. Уларда 245 миллиард сўмлик 62 та лойиҳа бўйича 2 минг 600 та янги иш ўрни яратиш белгиланмоқда.

Парламент қуйи палатаси Кенгаши қарорига биноан ушбу масала Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиладиган бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Халқ билан мулоқот

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАГИ ЎРГАНИШЛАР ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқида одамларни ташвишга солаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида депутатлар ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайлов округида бўлишига доир тартиб йўлга қўйилгани ва албатта, бу ишларни тизимли равишда давом эттириш кераклигини қайд этган эди.

Бугун бу борадаги саъй-ҳаракатлар дахлдорлик ва масъулият билан амалга оширилаётгани натижасида фуқаролар ҳамда парламент ўртасида ҳақиқий кўприк пайдо бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки депутатлар ҳар гал ўз сайлов округларида бўлганларида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси ўрганилиб, таҳлил қилиняпти.

Шу йил март ойи охирларида ўтказилган учрашувларда ҳам асосий эътибор аҳолини мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг бориши, парламент томонидан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил йўналишида олиб борилаётган ишлар билан таништириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва сайловчилар дуч келаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, унинг натижасида амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқишга қаратилди.

2021 йил 15 апрель куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилишида мазкур учрашувлар якунлари атрофлича кўриб чиқилди.

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДАГИ МАСАЛАЛАР

Депутатлар бу галги учрашувларга жиддий тайёргарлик кўргани бежиз эмас. Чунки бугунги ислоҳотлар шиддати шу қадар тезки, уларни ўз вақтида сайловчиларга етказиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг хабардорлигини ошириш муҳим вазифалардандир.

Шу нуқтаи назардан, ўтказилган мулоқотларда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, қолаверса, айни пайтда долзарб аҳамиятга эга — аҳолини коронавирусга қарши оммавий эмлаш борасида режалаштирилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Шу билан бирга, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш борасида рўёбга чиқарилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилди.

Аёнки, айни пайтда ҳудудларда парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жамоат фаолларидан иборат таркибда “Халқпарвар комиссия”лар ташкил этилаётир. Депутатлар уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳолати билан танишди. Президентимиз томонидан уй-жойлар қурилишида назорат механизмини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган ушбу комиссиялар вазифалари уй-жой қурилиши соҳасидаги ислоҳотларни тизимли жорий этиш, қурилиш сифатини ошириш ва уй-жойларнинг оммабоплигини таъминлаш, соҳада шаффофликка эришишга қаратилган.

Бундан ташқари, сайлов округидаги эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилиб, фуқароларнинг “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”га тўғри киритилганлиги ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу масалага депутатлар жиддий ёндашишгани бежиз эмас. Мақсад — нафақат аҳолини ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, ушбу дафтарларга киритиш, балки улардан чиқариш чораларини ҳам кўришдир. Бинобарин, бугун аҳоли бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйилмоқда, бир қатор имтиёзлар, қулайликлар яратилмоқда. Албатта, бу борадаги ишлар ижросини халқ вакиллари парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан фойдаланган ҳолда назоратга олади.

Шунингдек, учрашувларда янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти сайловчиларга етказилди.

Рақамлар ва кўрсаткичлар

Учрашувлар давомида депутатлар томонидан жами **2 минг 385** та хонадонга ташриф буюрилиб, **1 минг 640** та учрашув ўтказилди.

Уларда **35 минг**дан зиёд фуқаролар, шу жумладан, **3 минг 700** дан ортиқ тадбиркорлар билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди ҳамда **954** та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан танишилди.

Мулоқотлар чоғида сайловчилар томонидан **4 минг 516** та масала кўтарилди.

Депутатлар томонидан амалга оширилган чоратадбирлар натижасида улардан **2 минг 2** таси (44,3 фоиз) жойида ҳал этилди. Бу февраль ойидаги учрашувларда ҳал қилинган масалаларга қараганда **1 минг 581** тага кўпдир.

ФРАКЦИЯЛАР ТАКЛИФЛАР БИЛАН ЧИҚМОҚДА

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг яқинда бўлиб ўтган мажлисларида депутатларнинг сайлов округларидаги ушбу учрашувлари якунлари атрофлича кўриб чиқилган эди.

Фракциялар томонидан республика даражасидаги тизимли 366 та масалани парламент назоратининг “парламент сўрови”, “парламент эшитуви”, “қўмита эшитуви”, “депутат сўрови” каби шаклларидан фойдаланган ҳолда бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан:

— ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ҳамда “Миллий электр тармоқлари” АЖга эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш, улардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича кўрилаётган чоралар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан парламент сўровини юбориш;

— “Миллий тикланиш” ДП фракциясининг қуйи палата мажлисида халқ таълими вазирининг “Мактабларда дарсдан ташқари машғулотлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда мактаб ошхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларда тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш;

— “Адолат” СДП фракциясининг Бош вазир ўринбосари Б. Мусаевга пандемия шароитида таълим муассасаларида онлайн (масофавий) ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан парламент сўровини юбориш;

— ЎзХДП фракциясининг “Ҳукумат соати” доирасида бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг “Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг шакллантирилиши ҳамда унинг бажарилиши тўғрисида”ги депутатлар саволларига жавобларини эшитиш;

— Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирига “Маҳалла фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника таъминотини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан” парламент сўровини юбориш кўзда тутилди.

Албатта, бу ташаббус ва таклифлар учрашувларда кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, илгари сурилгани аҳамиятга молик. Чунки ҳар бир масалага чуқур ҳамда креатив ёндашиш, уларни ҳал этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари масъулиятини янада кучайтириш бугунги кунда ҳаётий заруратдир.

Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида мазкур учрашувлар ҳамда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар чоғида фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни қуйи палата қўмиталари атрофлича ўрганиши ҳамда зарурат бўлса, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш чораларини кўриши лозимлиги айтиб ўтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНСА, ИШОНЧ ОРТАДИ

Аҳоли томонидан кўтарилган муаммо ва камчиликларнинг жойида ҳал этилиши кўзланган мақсадларга эришишда муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, учрашувлар давомида депутатлар кўмагида бир қатор масалалар ўз ечимини топгани диққатга сазовор.

Хусусан, мулоқотлар давомида мурожаат қилган ёшларнинг 4 нафари доимий иш билан таъминланди, 2 нафарига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредит маблағи расмийлаштирувига ёрдам кўрсатилди ҳамда бир нафар ёшнинг таълим шартнома тўлови тўлаб берилди.

Аҳоли хонадонларини газ билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳолатига эътибор қаратилиб, фуқароларнинг мурожаатлари асосида 11 та хонадон газ тармоғига уланди, 40 та хонадонни суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Фуқароларнинг малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида 4 нафар ногиронлиги бор беморни стационар шароитда даволатиш чоралари кўрилди. Тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож 11 нафар фуқаро имтиёзли даволаниш учун ордер билан таъминланди.

Ўзини ўзи банд қилиш орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 15 нафар фуқарога ер ажратилишига кўмаклашилди, яна 10 нафар сайловчининг бу борадаги мурожаатларини ижобий ҳал этиш мақсадида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшларнинг ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур шароит ва имконият яратиш мақсадида 10 нафар фуқарога тадбиркорликни амалга ошириш учун жами 301 миллион сўмлик кредит маблағларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Жойларда аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш орқали уларни реал даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратиш мақсадида депутатларнинг саъй-ҳаракатлари билан жами 66 нафар ишсиз фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Избоскан туманида ташкил этилган ёшлар саноат зонасида депутатлар томонидан ўтказилган учрашувлар давомида ўз бизнес ғояларига эга 21 нафар ёш тадбиркорга саноат зонаси ҳудудидан жой ажратилишига эришилди.

Бундан ташқари, халқ вакилларининг сайлов округларидаги фаолияти давомида аҳолининг коммунал соҳадаги бир қанча муаммолари, шунингдек, ички йўлларни таъмирлаш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини электр энергияси билан таъминлаш билан боғлиқ қатор мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ўрганди, уларни ечишда фаол иштирок этди. Жумладан, учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни бевосита мутасаддилар иштирокида ҳал қилиш мақсадида сайлов округларида депутатлар томонидан сайёр қабуллар ташкил этилди. Уларда 6 мингдан зиёд фуқаролар қатнашди.

Ўзбекистонда қоракўлчилик:

СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Олимларнинг таъкидлашича, турли мақсадларда боқиладиган қўй зотлари орасида энг кўп маҳсулот берадигани қоракўл зоти ҳисобланади. Чунки уларнинг жунидан тортиб ички органларигача харидоргирлигидан ташқари, бу жониворларнинг генетик салоҳияти жуда юқори: мустаҳкам тана тузилиши ва юксак даражадаги мослашувчанлик сув ҳамда озуқа ресурслари чекланган, иқлими ноқулай чўл-дашт ҳудудларида ҳам уларни кўпайтириш имконини беради. Шунга монанд қоракўлчилик чорвачилик йўналишлари орасида энг камхарж ва шу билан бирга, сарфланган маблағга нисбатан бир неча ўн баробар кўп фойда келтирадиган тармоқ ҳисобланади.

Акс садо

Ҳозирги пайтда қоракўл зотли қўйлар дунёнинг 50 га яқин мамлакатларида кўпайтирилаётгани ҳам фикримизга далил бўла олади. Айнан шу боис тармоқ ривожига сўнгги йилларда катта эътибор қаратиляпти. Президентимизнинг шу йил 9 февралдаги “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам ишончли валюта тушумлари ва бандликни таъминлаш манбаи бўлган тармоқнинг яқин бир неча ўн йилликдаги истиқболини белгилаб берди, десак, айни ҳақиқат.

Шуниси эътиборлики, мазкур ҳужжат қоракўлчиликда кластер усулининг энг афзал томонлари ва соҳада тадбиркорликни ривожлантиришнинг устунликларини ҳисобга олган ҳолда, аввало, ишбилармонлар учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Бунда, биринчи навбатда, тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилган. Қарорнинг биринчи банди ҳам шу мақсадни кўзлайди. Унга кўра, мамлакатимиз ҳудудларида давлат бошқаруви маҳаллий органлари 2021 йил 1 мартга қадар қоракўлчилик кластерлари томонидан қўй ва эчкиларни бўрдоқига боқиш комплексларини ташкил этиш мақсадида уларга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган, лекин суғориладиган ерларни озуқа етиштириш учун ажратилишини таъминлаши белгиланди. Бунда кластерлар олдига қўйилган асосий шарт — берилган ерларни фойдаланишга киритишдан иборат. Бугунги кунда республикамизда 12 минг 885 гектар ер майдони чорвачилик кластерларига ажратилди. Бу, асосан, оборотдан чиққан ерлар бўлиб, кластерлар уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди, зарур ҳолларда шўрини ювиш ишларини ташкил этади ва озуқабоп экинлар экади.

Қарорнинг бу банди ҳам кластерлар, ҳам давлатга фойда. Чунки озуқабоп экинлар етиштириш учун ерга эга бўлган тадбиркорлар томонидан деградация оқибатларини бартараф этиш, зарур бўлса шўрини ювиш, томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланган ҳолда мелиоратив тадбирларни олиб боришга алоҳида аҳамият берилади. Натижада тадбиркор кўзлаган фойдасини олади, эвазига неча-неча гектар ер оборотга қайтарилади.

Бу биз таҳлил қилаётган қарорнинг биргина бандининг қоракўлчилик тармоғи ва умуман, аграр секторга келтирадиган фойдаси! Ваҳоланки, мазкур ҳужжатда 11 банд борки, уларнинг ҳар бири қоракўлчилик тармоғини ривожлантиришнинг барча жиҳатини ўз ичига олган.

Хусусан, уларнинг яна бир энг аҳамиятлиси, соҳани молиялаштиришдан иборат. Бу борада ҳам тадбиркорларнинг манфаатини кўзлаб комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, ҳужжатнинг иккинчи банди билан Молия вазирлигининг вақтинча бўш турган маблағлари ҳисобидан 100 миллиард сўмни “Туронбанк” АТБга Марказий банк асосий ставкасида ажратилиши белгиланди. Банк эса, ўз навбатида, ушбу маблағларни Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси аъзоларига 3 йил муддатгача, шу жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасига 2 фоизлик банк маржасини қўшиш орқали ҳисобланадиган ставка бўйича кредит сифатида тақдим этади.

> *Бугунги кунда Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига аъзо кластерлар томонидан 175 та (47 222 минг АҚШ доллари) инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 55 та жунни қабул қилиш ва қайта ишлаш заводи, 39 та донадор омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси, 8 та терини қайта ишлаш заводи ҳамда 73 та бўрдоқичилик комплексини ташкил этиш кўзда тутилган.*

Шу ўринда айтиш жоиз, айрим тадбиркорларни бериладиган кредит маблағларининг қиммат бўлиши мумкинлиги, яъни қарз маблағи умумий ҳисобда йиллик 16 фоизга тўғри келиши хавотирга солиши мумкин. Бу масаланинг ечими ҳам қарорда аниқ белгиланган. Жумладан, унга кўра, ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони 1-бандининг еттинчи хатбошисида белгиланган тартиб асосида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация ажратилади. Яъни компенсация миқдори тижорат банклари томонидан ўрнатилган фоиз ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоизлик пунктидан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этади. Бу эса кредит бўйича фоизлар йиллик 7-8 фоиздан ошмайди, деган сўз. Бундай имконият эса камдан-кам мамлакатларда берилади. Чунки вақти келса, ҳатто йиллик инфляция кўрсаткичи ҳам бундан анча юқори бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Республика “Қоракўлчилик” уюшмасига аъзо кластерлар томонидан 175 та *(47 222 минг АҚШ доллари)* инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 55 та жунни қабул қилиш ва қайта ишлаш заводи, 39 та донадор омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси, 8 та терини қайта ишлаш заводи ҳамда 73 та бўрдоқичилик комплексини ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар ижроси учун кластерлар томонидан 28 миллион 134 минг АҚШ доллари миқдорида банк кредитлари сўралган бўлиб, бугунги кунда Самарқанд вилоятида битта кластерга 500 миллион сўм ва Навоий вилоятида 3 та кластерга 1 миллиард 170 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиб берилган. Кредит сўраб мурожаат қилган бошқа кластерлар билан зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва гаров масаласини ҳал қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Қоракўлчилик кластерлари учун қарорда белгиланган яна бир имконият борки, унинг қадрини соҳа билан бевосита таниш инсонлар яхши тушунишади. У ҳам бўлса эндиликда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Пиллачилик ва қораккўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг буюртмаларига асосан яйловларда ер ости сув манбаларини аниқлаш ҳамда хулоса бериш бепул амалга оширилишини таъминлайди. Қўйларни суғориш учун яйловларда қудуқ қазиш — тадбиркордан катта харажат талаб қилувчи масала. Бундай иншоотларни дуч келган жойда қазиб бўлмайди, бунда мутахассислар аввал сув бор жойни аниқлаб бериши лозим. Бунинг учун илгари геологларга ҳам анчагина маблағ тўлашга тўғри келарди. Қарабсизки, қудуқ қазиш кластерларга оғир келарди. Эндиликда бу муаммо ҳам бартараф этилди, демакки, соҳага инвесторларни жалб қилиш ҳам осонлашади.

Қарор қоракўлчиликда илмни амалиёт билан боғлашда ҳам катта кўприк бўлди. Бинобарин, бундан буёғига наслдор қўй ва эчкининг, шу жумладан, қоракўл зотли қўйларнинг хорижий давлатлардан импорт қилинган ҳар бир эмбрионига Ўзбекистон Республикасининг бюджет маблағлари ҳисобидан 400 минг сўм миқдорида субсидия тақдим этилади. Демак, кластерлар илм-фан ютуқларидан янада кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Чунки катта қўй ёки қўчқорни пода-пода олиб киргандан кўра, эмбрионларни катта ҳажмда олиб келиш кўпроқ самара беради. Қарорда белгиланган бу имтиёз эса транспорт ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, илм-фан ютуқларини амалиётга самарали татбиқ қилиш йўналишида Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти тузилмасида Марказлашган илмий-наслчилик тажриба лабораториясини ташкил этиш белгиланган. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу тузилманинг келгусидаги фаолияти соҳанинг илмий негизи мустаҳкамланишини таъминлайди.

Шу тариқа мамлакатимиз қоракўлчилик тармоғида тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида чиндан-да мисли кўрилмаган имкониятлар тақдим этилмоқда. Ишнинг кўзини билган инвесторлар ва ишбилармонлар янги шарт-шароитлардан самарали фойдаланиши, шубҳасиз. Демак, яқин йилларда тармоқ тараққиётида сифат жиҳатидан янги натижалар юзага келади.

Беҳзод ЮСУПОВ,
Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

ТОШКЕНТНИНГ ҚАДИМИЙ ДАРВОЗАЛАРИНИ ТИКЛАШ ВАҚТИ ЕТМАДИМИ?

2200 йиллик тарихга эга Тошкент кўҳна маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ўтмишда Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарга тўхтовсиз карвонлар келиб-кетиб турган ва бу йирик бозорлар қурилиши, ҳунармандчиликнинг ривожланиши ҳамда шаҳарсозлик анъаналари вужудга келишига сабаб бўлган.

Мушоҳада

Тошкент кўплаб босқинчиликларни бошидан кечиргани тарихдан маълум. Шу сабаб шаҳар аҳолиси доимо ташқи душмандан ҳимояланиш чораларини кўрган. Шаҳар атрофида мустаҳкам мудофаа истеҳкоми — деворлар қурилган. Албатта, девор бўлгандан кейин унинг дарвозалари ҳам бунёд қилинади. Жумладан, Тошкент мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой) ва иккита қофқаси (яъни 1 нафар отлиқ кириб чиқадиган туйнукчаси) бўлган.

Амир Темур даврида дарвозалар масъуллиги шу яқин атрофда яшайдиган маҳалла зиммасига юклатилган. Шунинг учун айрим дарвозалар маҳалла номи билан аталган бўлса, бошқалари йўналишларга қараб номланган. Масалан, шаҳарнинг Фарғона водийсига қараган томонидан қурилган дарвоза “Қўқон”, Ғарб томонидаги дарвоза эса “Самарқанд” деб номланган. Ҳар бир дарвозанинг калити бўлган. Қуёш ботгандан сўнг ёпилган дарвозани шаҳар ҳокимининг рухсатисиз очишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган.

Тошкент чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг, ўн икки дарвоза рамзий олтин калитини генерал Черняев 1865 йилда Петербургдаги ҳарбий музейга топширган. 1890 йилдан бошлаб Тошкентда янги шаҳар барпо этилиши сабаб, унинг чегараси кенгайиб тарихий дарвозалар аста-секин бузиб ташланган. Россияга олиб кетилган калитлар 1933 йилда Ўзбекистонга олиб келинди ва текширув ўтказилиб, уларнинг соф олтиндан ясалгани аниқланди. Ҳозирги кунда бу калитнинг ўн биттаси Марказий банкда сақланаётган бўлса, биттаси Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кўргазмага қўйилган. Бу калитларнинг ҳар бирида ясалган вақти (ҳижрий 1282 йил) ва дарвозалар номи ёзиб қўйилган. Тарихий манбаларни варақласангиз, Тошкент дарвозалари тарихига оид яна кўплаб бир-биридан қизиқарли маълумотларга дуч келасиз.

Шу ўринда пойтахтимиз ўтмиши билан боғлиқ ушбу дарвозаларни қайта тиклаш лозим. Тўғри, бугун бу дарвозалар харобалари сақланмаган. Лекин 12 дарвозанинг тарихий жойи аниқланиб, рамзий дарвоза қурилса, тарих, ота-боболаримиз олдида юзимиз ёруғ бўларди.

Мамлакатимизда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш борасида кенг кўламли амалий саъй-ҳаракатлар бошланган бир пайтда бу масала янада муҳим аҳамият касб этади. Чунки Тошкент тарихидан бир оз хабардор хорижий сайёҳ: “Бизга Кўкча ёки Чиғатой дарвозасини кўрсатинг”, деб сўраб қолса, қаерга олиб борамиз?! Қолаверса, ўқувчи-ёшларга мактабда Тошкент дарвозалари ҳақида соатлаб гапиргандан кўра, уларга рамзий бўлса-да қурилган дарвозаларни кўрсатсак, дарс самарадорлиги янада юқори бўлмайдими? Албатта, бўлади. Гап ташаббус кўрсатилиб, уларнинг қандай меъморий шаклда қурилишида.

Дарвозаларни тарихчи олимлар, меъморлар билан маслаҳатлашиб, шунчаки ҳозирги замонавий кўринишда эмас, иложи бўлса, ўша давр шакл-шамойилидан келиб чиққан ҳолда бунёд этиш мақсадга мувофиқ. Атрофи ободонлаштирилиб, одамлар ўтириб ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантириш лозим. Дарвоза пештоқига унинг номини ёзиб, ёнидаги кўрсатиш тахтачасига тарихи ҳақида зарур маълумотларни муҳрласак, нур устига нур бўларди.

Жаҳонгир ХАЛИЛОВ,
халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши депутати.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси жамоаси инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий инспекцияси бош инспектори **Мажит АБЛАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси жамоаси Поп тумани Нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси **Дилшодахон ДАДАЖОНОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти ижодий жамоаси “Халқ сўзи” газетасининг Фарғона вилояти бўйича собиқ мухбири, “Марғилон ҳақиқати” газетасининг бош муҳаррири **Набижон СОБИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 16 апрель

МЕҲР ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ

1 Бу ривоят замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам. Она юраги уриб турибдими, у фарзандини ўйлайди, ҳатто сўнгги нафасида ҳам ўғил-қизининг бахти, орзу-ҳаваси учун куйинади. Устоз шоир Абдулла Орипов “Наҳот, ахир сўнгги дам ҳам фарзандингни ўйласанг”, дея ёзганида минг карра ҳақ эди...

АЁЛИ БОР УЙ...

Халқимизда “Аёли бор уй — гулдир, аёлсиз уй — чўлдир”, деган ҳикматли нақл бор.

Ҳақиқатан ҳам, аёли бор хонадоннинг файзи бўлакча. Уйидаги бундай ороийшга нозик хилқат эгаси катта меҳнат, чидам ва заҳмат эвазига эришади. Айтишади-ку, аёл бир қўлида бешикни, иккинчисида дунёни тебратади, деб.

Қунт билан назар ташласак, аёлни эрта тонгданоқ юмушларга тўла узун, серташвиш кун кутиб олади.

Мана, биргина қишлоқ аёлининг кун давомида қиладиган ишларига эътибор беринг. У тонгги соат бешларда уйғониб, сигир соғади, ҳовли супуради, нонушта тайёрлайди, эрини ишга, фарзандларини мактабга кузатади. Ёзда эса аксарият хотин-қизлар рўзғор юмушларини саранжомлагач, далага ошиқади. Эртадан-кечгача эркаклар билан баббаравар меҳнат қилиб, экин-тикин парвариш қилади. Шу билан аёлнинг кунлик заҳматлари поёнига етса керак, деб ўйласангиз янглишасиз. Уйга қайтгач, яна оиладаги одатий ишлар билан банд бўлади. Кунда-кунора тун ярмида кир ювади, хамир қориб, тандирда нон ёпади...

Хўш, аёл зоти бунчалик куч ва матонатни қаердан олади?

Аёл қувватни оналик меҳридан, оналик бахтидан, оналик қувончидан олади, десак, айни ҳақиқат. Оиласига вафо ва садоқат, фарзандларининг эртасига умид ва ишонч уларга куч ва кушойиш бағишлайди!

Аёлсиз уй гўё чўл эканини талабалар қурилиш отрядида фаолият юритганимизда яққол англаганмиз. Баракда бир неча йигитлар бирга яшардик. Бошпанамизни ўзимиз тозалаб, ўзимиз овқат пиширардик. Лекин, қарангки, ҳар икки кунда ётоғимиз ивирсиб, тўзғиб кетарди. Кейин азза-базза машваратга йиғилиб, бу аҳволга сабабчи бўлган айбдорни обдан муҳокама қилиб, унга дакки берардик. Узоқ давом этадиган муҳокама ва мунозаралардан сўнг тозалаш юмушларини ўзаро тақсимлаб олардик. Кимдир ётоқни супурса, бошқаси атрофни сидиришга масъул бўлади. Афсуски, бундай қатъий чоралар ҳам икки-уч кун, нари борса, бир ҳафта самара берарди. Кейин яна эски аҳвол...

Ҳа, юзта эркак бир бўлса ҳам рўзғорда бир аёлнинг ишини уддалай олмайди.

Аёл кишининг шарофати билан уй доим саранжом-саришта, тоза-покиза бўлади. Чунки аёл табиатан озодаликни, покликни хуш кўради, нафосатга, гўзалликка интилиб яшайди.

Асосийси, рисоладаги хотин уйнинг зийнати нақш-нигор ашёларда эмас, балки саристалигу тотувлик ва меҳр-муҳаббатда эканлигини ҳеч қачон унутмайди.

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Она меҳри миллат, ёш, жинс танламайди. Аёл фарзандига — у ўғилми-қизми — бирдек меҳрибон бўлади. Унинг униб-ўсиши, камоли учун борлиғини бағишлайди.

Сир эмас, оиласида кетма-кет қиз фарзанд туғилса, ношукрлик қиладиган оталар ҳам учрайди. Она учун эса бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, ана шу мурғак гўдак тўққиз ой унинг вужудида яшаб, Яратганнинг марҳамати билан дунё юзини кўрди. Шукрки, у тирноққа зор бўлиб қолмади — Она бўлишдек буюк бахтга мушарраф бўлди. У шундан бахтиёр!

Она учун боланинг бегонаси бўлмайди. Гўдак қайси миллат ёки элатга мансублигидан қатъи назар, она уни асраб-авайлашга, меҳр нури билан илитишга, ҳатто кипригида кўтаришга тайёр. Ўзбек оналарининг Иккинчи жаҳон уруши даврида оиласидан ажралган турли миллатга мансуб минглаб ўғил-қизларни ўз бағрига олиб, оқ ювиб, оқ тарагани бунга яққол мисолдир.

Қолаверса, тинч-осуда даврларда ҳам кўпчилик аёллар Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган норасидаларни бағрига олиб, меҳр билан улғайтирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Қишлоғимиздаги бир оилада эр-хотин узоқ йиллар тирноққа зор яшагач, ниҳоят бола асраб олишга қарор қилишди. Тегишли расмиятчиликлардан сўнг икки кунлик чақалоқни хонадонига олиб келишди. Она муштдек жисмни авайлаб парваришлади, унинг камолоти йўлида ҳаётини бағишлади. Гўдак озгина шамоллаб қолса, тун бўйи бошида бедор ўтириб чиқарди. Бола ана шундай ғамхўрликлар оғушида ўсиб-улғайди. Ўқиб, ҳаётда ўз ўрнини топди...

Дарвоқе, ўспиринлик чоғида унга асл ота-онаси кимлигини айтдилар. Лекин бу билан унинг ўзини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган аёлга нисбатан муносабати заррача ўзгармади. Бугун ҳам уни ўз волидаси сифатида ардоқлаб, эъзозлаб яшамоқда. Чунки муштипар аёл болага оналик меҳрини бағишлаган эди!

ОНА РИЗОСИ

Онага эҳтиром кўрсатиш орқали икки дунё саодатига эришиш мумкин.

Бир ҳикоятда келтирилишича, қадимда эзгу фазилатлари билан ном қозонган бир шайх муборак Ҳаж зиёратига боришни ният қилади, лекин кекса онаси бунга рози бўлмайди. У волидасининг таваллоларига ҳам эътибор бермай, йўлга тушади. Бир шаҳарга боргач, кечқурун масжидга кириб намоз ўқийди...

Иттифоқо, ўша куни шаҳардаги хонадонлардан бирига ўғри тушади. Одамлар уни сезиб қолиб, ортидан қувибди. Ўғри эса масжидга яширинибди. Таъқибчилар масжидга киришганида ҳеч нарсадан бехабар шайх ибодат қилиб ўтираркан. Уни ўғри дея гумон қилган оломон: “Қилғилиқни қилиб, энди ақлинг кирдими, аблаҳ?” деб уриб-сўкиб, шаҳар қозисининг олдига судраб борибди. Қози ҳам “ўғри”ни аяб ўтирмай, оғир жазога ҳукм қилибди. Шундан сўнг одамлар бечора шайхнинг оёқ-қўлларини кесиб, кўзларини ўйиб олишибдида, “ўғрининг жазоси шу”, деб бозор айлантириб сазойи қилишибди. Ана шунда шайх афсус ва надомат билан: “йўқ, ундай деманглар, онасини норози қилиб ҳожи бўлишни орзу қилган аҳмоқнинг ҳолини кўриб қўйинглар, деб айтинглар”, дея зорланган экан.

Дарҳақиқат, она розилигида ҳикмат кўп.

Қувонарлиси, сўнгги вақтларда бизда оналарни эъзозлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Азим Тошкент бағрида “Бахтиёр она”, “Мотамсаро она”, “Ватанга қасамёд”, “Матонат мадҳияси” монументлари ўрнатилгани ҳам шундан далолат беради. Тенгсиз фазилатлар соҳибаси бўлмиш аёл, она сиймосига халқимизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини ўзида акс эттирган бу обидалар бугунги кунда юртимизда оила, эл-юрт ва Ватан тимсолига айланган. Дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакати пойтахтида аёл шарафига бири-биридан гўзал ва муҳташам тўртта обида бунёд этилмаган бўлса керак!

Энг муҳими, кейинги тўрт йил давомида юртимизда хотин-қизларга ҳар томонлама зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида залварли амалий ишларга қўл урилди. Бундай эзгу ишларнинг самарасини ҳар қадамга кўриб турибмиз.

Айниқса, гендер тенглигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларимиз хорижлик экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Юртимизда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар ана шу эзгу мақсадга дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қадриятларимиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча меъёр ва талабларига мослиги билан ҳам эътиборга моликдир.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК — УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА

Гендер тенглик — нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқлари ифодаси, балки тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг илк паллаларидаёқ ушбу масалани умуммиллий вазифа сифатида белгилаб берди. Натижада республикамизда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳамда Олий Мажлис Сенатида ана шу масала билан шуғулланадиган қўмита ташкил этилди. Ҳозирги пайтда парламент юқори палатаси аъзолари аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва уларга ижтимоий кўмак бериш масалалари билан жиддий шуғулланмоқда. Сенат Раиси маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, хотин-қизлар билан бевосита мулоқотлар ўтказиш орқали уларнинг муаммоларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Мазкур нуфузли комиссия ва унинг ҳамкорлари томонидан ишлаб чиқилган 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида жуда катта мақсад ва вазифалар белгиланган. Энг асосийси, унда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида барча соҳада хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар берилишини таъминлаш кўзда тутилган. Ана шу ҳуқуқий асос бугунги кунда аёлларни ҳимоя қилишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Масалан, нафақат шаҳарлар, балки олис ҳудудларда ҳам аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилаётгани ҳамда ўзини ўзи банд этиш тамойили асосида ҳуқуқий ва молиявий кўмак кўрсатилиши натижасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги ошаётганини кўриб турибмиз.

Кези келганда айтиш керакки, замонавий меҳнат бозорида аёллар рақобатдошлигини ошириш масаласи бизда узоқ йиллар давомида муаммо бўлиб келди. Халқаро ҳуқуқ меъёрларида белгилаб қўйилган бу тамойилларга амал қилинмаслиги оддий инсоний муносабатлар ва аёллар фаоллигига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ва ниҳоят, ана шу масала ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ечим топадиган бўлди. Яъни 2017 йилдан юртимизнинг аксарият олий ўқув юртларида сиртқи бўлимлар очилиши натижасида кўпчилик қатори ёш аёллар учун ҳам бола парваришлаш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажариш билан бир пайтда бемалол олий маълумот олиш имкони пайдо бўлди. Нозик хилқат вакилларининг кўпчилиги қишлоқ жойларда истиқомат қилиши, аксарият қизлар 20 — 25 ёш оралиғида турмушга узатилишини назарда тутсак, бу тадбир юртимизда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш йўлида дадил қадам бўлганини янада чуқурроқ англаймиз.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг: “Аёллар эркакларнинг ажралмас бир қисмидирлар!” деган ҳадисларига биноан аёл киши жамиятнинг ажралмас бир бўлаги экан, у ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиб, илм олишга, касб-ҳунарли бўлишга ҳақлидир.

КЕЛМАСА, ЎЗИМИЗ БОРАМИЗ!

Аёлларимиз ниҳоятда бардошли, қаноатли, ҳамиша борига шукр қилиб яшайди. Муаммоларини ўзгаларга “очил дастурхон” қилиб ўтиришни хушламайди. Опа-сингилларимизнинг феъли-даги ана шу хусусиятдан келиб чиқиб, Юртбошимиз “аёлларнинг ўзи олдимизга келиб, муаммоларини айтмаса, ўзимиз уларнинг ҳузурига боришимиз керак” мазмунидаги ўта долзарб ғояни илгари сурди.

Шунинг шарофати билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарлигида Республика комиссияси ва унинг таркибида ишчи гуруҳлар тузилди. Айни пайтда мазкур ишчи гуруҳлар ҳудудларда “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўраётгани, ушбу жараёнда юзлаб, минглаб опа-сингилларимизнинг муаммолари ҳал этилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Бу жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, шахсий томорқасидан унумли фойдаланишида кўмаклашиш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кредит ажратиш, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан биргина ўтган йилнинг октябрь — декабрь ойларида мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туманларда 6,5 миллион нафардан зиёд аёлларнинг муаммоларини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилди. Муаммоси бор аёллар ёрдам сўраб келмаса-да, мутасаддиларнинг ўзлари уларнинг ҳузурига боряпти. Бундай тизим аввал ҳеч қачон бўлмаган.

Шубҳасиз, кейинги йилларда эскича қарашларга барҳам берилиб, нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларда ҳам аёлларга жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун шароит яратилмоқда. Масалан, хотин-қизларни маданият, санъат ва спорт соҳаларига кенг жалб этиш, олий ўқув юртларига имтиёзли асосда қамраб олиш чоралари кўриляпти.

Бу борадаги ишлар пандемия даврида ҳам изчил давом эттирилди. Ана шундай мураккаб даврда ҳам ҳожатманд аёллар ёлғизлатиб қўйилмади. Аниқроқ айтганда, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва улар ўртасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фарзандли аёлларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган миллий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Энг муҳими, бу масала Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

МАДАНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Шу ўринда, хўш, амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар амалда қандай самара беряпти, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Гапнинг очиғи, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан яхши хабардор бўлган инсон учун бу саволга жавоб топиш унчалик мушкул эмас. Чунки эришилаётган натижалар ҳақида истаганча далиллар келтириш мумкин.

Мана, масалан, охирги марта парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар чоғида хотин-қизларнинг фаоллиги яққол ошгани кузатилди. Бунинг натижасида ушбу халқ вакиллик органлари таркибида аёлларнинг салмоғи ҳам кескин ошди. Илм-фан, таълим, сиёсат, санъат ва адабиёт, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда ҳам мана шундай ҳолат яққол кўзга ташланмоқда. Сўнгги пайтларда барча бўғиндаги раҳбар аёллар-нинг сони сезиларли даражада кўпайди. Яқин-яқингача парламент юқори палатаси ёки жойлардаги шаҳар ва туманларга аёл киши раҳбарлик қилишини тасаввур қила олармидик?! Йўқ, албатта. Ёки бўлмаса, мамлакатимиз тарихида биринчи марта аёл киши элчи сифатида фаолият бошлаганини олайлик. Очиғи, шу пайтгача барчамиз бундай масъулиятли вазифани фақатгина эркаклар уддалаши мумкин, деган тушунчада собит эдик.

> ***Юртимизда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар ана шу эзгу мақсадга дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қадриятларимиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча меъёр ва талабларига мослиги билан ҳам эътиборга моликдир.***

Аёлларнинг тадбиркорлик бобидаги фаоллиги ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Яқинда бир ишбилармон аёл билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик. У тадбиркорлик опа-сингилларимизнинг қонида борлиги ҳақида гапира туриб, биргина рўзғор ишларини расамади билан йўлга қўйиш учун аёл киши қанчалик омилкор бўлиши кераклигига урғу берди: “Фарзандини вояга етказиш, едириб-ичириб, кийинтириш, уларни тарбиялаш, касбга йўналтириш, қолаверса, томорқа ва мол-ҳолни парваришлаш сингари сон-саноқсиз юмушлар, асосан, аёлнинг зиммасида. Ана шу ишларни бекаму кўст уддалашнинг ўзи тадбиркорлик эмасми?”

Чиндан ҳам, бизнинг аёлларимиз туғма тадбиркор, ишбилармонлик уларнинг табиатида бор. Шундай экан, опа-сингилларимизнинг ана шу салоҳиятидан нега Ватанимиз равнақи йўлида фойдаланмаслигимиз керак?! Ўз келажагини ўйлаган ҳар қандай давлат ва миллат ҳам бундай захирадан фойдаланиш пайида бўлиши табиий. Мамлакатимизда ҳам ана шундай йўл тутилди ва дастлабки ижобий натижалар кўзга ташланиб қолди. Келгусида ютуқлар бундан ҳам салмоқли бўлиши, шубҳасиз.

Юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган натижалар БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро тузилмалар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш ушбу ҳамжамият қошидаги Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиянинг 63-сессиясида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапира туриб, шундай деди: “*Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда*”.

Таниқли сиёсатчининг иқтисодий юксалиш ва аҳоли фаровонлиги, аввало, хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий жараёнлардаги фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ, деган фикри кўп нарсани англатади.

Хорижликлар эътирофи ҳақида сўз кетганда, италиялик сайёҳ Илларио Ферринининг газетамиз мухбирига берган интервьюсида айтилган қуйидаги фикрлар эътиборга молик: “*Ҳар бир мамлакатнинг маданияти, тараққиёт даражаси ўша давлатнинг аёлларга бўлган муносабати билан ўлчанади, деган гап жуда тўғри айтилган. Дарҳақиқат, аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, мамлакат тинч ва фаровон бўлади.*

Ўзбек хотин-қизларига дунё аҳли ҳавас билан боқса арзийди. Чунки улар дунёдаги энг бахтли аёллардир. Юртингизда уларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳар қанча ўрганишга арзийдиган тажриба”.

Бундай эътирофлар, самимий фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

БАХТ ҚЎРҒОНИ

Аёлларимизнинг ўзларига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликларга муносиб бўлиш, бундай юксак ишончни оқлашга интилаётгани уларга бўлган ҳурматимизни янада оширади.

Гендер тенглик — маълум маънода, бугунги замонавий аёлнинг давлат ва жамият олдида масъулияти, вазифалари ортиб бораётганлигининг ҳам ифодасидир. Зотан, аёлларимиз жамиятда ўзининг ҳаётий позициясини, ўрни ва масъулиятини тўғри англаса, ҳаётимиздаги кўплаб муаммолар ўз-ўзидан ечимини топади.

Шуниси ҳам борки, тенг ҳуқуқлилик, эркак ва аёлнинг оиладаги ўрнини алмаштирмайди. Ваҳоланки, гендер тенглигини таъминлаш борасида яратилаётган имкониятларнинг нотўғри талқин қилиниши баъзи оилаларнинг барбод бўлишига, ўзаро ҳурмат ва андиша каби қадриятлар томирига заха етишига ҳам олиб келиши мумкин. Табиийки, бундай оила қайта тикланиши, тикланган тақдирда ҳам, унда соғлом муҳит қарор топиши мушкул.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз қуюнчаклик билан айтган бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчимиз: **“Оила — бу меҳр ва бахт қўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу — энг улуғ саодатдир”.**

Оиладаги тинчлик-хотиржамлик, тўкинлик эса бевосита аёлларга ҳам боғлиқдир. Чунки оқила аёл вақти келганда турмуш ўртоғига тўғри маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатиб, уни турли хато қарорлардан қайтаради, эзгу ишларга бошқаради.

Мухтасар айтганда, солиҳа хотин ўз эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳ, ёмон ишлардан қайтаради, савоб-яхши амалларга ундаб туради. Шу боис бундай хонадонларда хотиржамлик ҳукм суради, кўнгиллардан рўшнолик, осойишталик аримайди.

Оила масъулияти, унинг қадриятларига нисбатан ҳурмат билан қараш халқимизнинг эзгу фазилатларидан. Буни тўғри англаган оқила аёл енгил пайтда ҳам, оғир пайтда ҳам яқин киши, дардкаш, маслаҳатчи бўлади. Тушкунликка берилганида унинг кўнглини кўтариб, сабр-бардошли бўлишга даъват қилиб, олдинга интилиб яшашга ундайди. Шу тариқа у оила бахтининг яратувчиси, халоскори ва давомчисига айланади.

Дунё ўзгаради, одамлар ўзгаради, ҳаёт ҳам ўзгарар, лекин оила барқарор. Саодатли оилалар эса бахтли ва фаровон жамиятнинг асоси, мустаҳкам пойдевори. Шу туфайли меҳр ҳамда матонат тимсоли ҳисобланган аёлларимиз доим халқимиз ва жонажон Ватанимиз ардоғида.

Ўткир РАҲМАТ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 260 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 02.00 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6